ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 5 апрел
пайшанба № 45 (2302)

Ушбу сонда:

2 ЎҒРИ КИМ?
3 БАХМАЛСОЙДАН ЧИҚҚАН ТАДБИРКОР
4 ҚАЙНОНАСИГА ЁҚМАГАН КЕЛИН



## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Касаба уюшмаларининг ташкилотчилик фаолияти аҳолининг кенг қатламлари орасида унинг нуфузини тобора оширмоқда. Республика касаба уюшмалари Федерацияси Раёсатининг яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилиши асноси бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлди.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Д.Жаҳонгирова Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, уларнинг тармоқ кенгашлари раислари ва вакиллари, масъул мутахассислари иштирокидаги йиғилишда, шунингдек, Навоий вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса ва ташкилотлари касаба уюшма етакчилари билан кечган очиқ мулоқот чоғида ана шу жиҳатларга эътиборни қаратди. Ушбу учрашувларда вилоят ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалалар ҳамда касаба уюшма ташкилотларининг аҳоли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишдаги ролини оширишга қаратилган вазифалар муҳокама этилди.**

**Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Навоий тоғ-металлургия комбинатининг бош директори Н.Кучерский билан ҳам учрашиб, мамлакатимизда етакчи ҳисобланган корхонада жамоа шартномасининг ижроси ва бошланғич ташкилотларнинг бугунги кундаги фаолияти билан яқиндан танишди.**

Тадбир

## ҲАММАСИ ИНСОН УЧУН

### Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонасига ажратилган мурувват ёрдами топширилди

***Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл, ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги раҳбари Бенжамин Миллс, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, шунингдек, бир қатор ташкилотлар мутасаддилари, шифокорлар, тиббиёт ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***



*Қиймати 10 миллион доллардан ортиқ миқдордаги антибиотик, антивирус, ошқозон касалликлари, гипертонияга қарши ва бошқа турдаги дори воситалари, шунингдек Навоий, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларига тарқатилиши режалаштирилган.*



*— Бу каби хайрли тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади, — деди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров. — Мазкур мурувват ёрдами туфайли қанчадан-қанча одамлар дардига дармон топади. Кам таъминланган оилалар ҳам ундан баҳраманд бўлади.*

*Шаҳар 1-клиник касалхонасининг бош шифокори Салоҳиддин Бахирдиханов, пулманология бўлими мудири Муҳаббат Ариповалар кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиришди.*

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири,**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

Хабарлар

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакиллиги томонидан ўзининг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

### САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари ва фаоллардан иборат гуруҳ Хартанг қишлоғида жойлашган ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, тарихий музейдаги экспонатлар билан танишишди.

Ер юзининг сайқали ҳисобланган шаҳардаги калом илми пешвоси Имом Абу Мансур Мотурудий зиёратгоҳи, Гўри Амир хилхонаси, Шоҳизинда, Бибихоним, Тиллакори, Шердор, Улуғбек мадрасалари ва бошқа обидалар саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

Буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйган касаба уюшма фаоллари аждодларимизнинг улуғ ишларидан ғурурландилар, Мустақиллик туфайли чирой очиб бораётган кўҳна ва навқирон шаҳар уларда фахр ҳиссини уйғотди.

### АРИЗАЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили билан касаба уюшмалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаси ўрнатилган.

Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят кенгаши раиси, минтақавий вакил эксперти Илҳом Сабдаров Омбудсманга мурожаат қилган фуқароларнинг аризаларини вақтида ҳал этиб, уларнинг муаммоларини ечишга яқиндан кўмаклашмоқда.

Қарши туманининг Шойхўжа қишлоғидан Жамила Йўлдошеванинг ёшга доир имтиёзли пенсияга чиқиши, Косон туманидаги Андобозор қишлоғидан Аҳмад Чориевнинг «Ҳаро Давкар» фермер хўжалиги ердан ноқонуний фойдаланаётганлиги тўғрисида аризаси, Касби туманидан Азиза Бойназарованинг алимент пулларини вақтида ололмаётганлиги, шу туманнинг Месит қишлоғидан Шаҳноза Очилованинг ишдан ноқонуний бўшатилганлиги хусусидаги шикоятлари ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Касаба уюшмалари ҳаётидан

## ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ИМТИЁЗЛАРИДАН

### барча бирдек баҳраманд бўлмоқда

Бешариқ туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши ўртасида 2005-2007 йиллар учун тузилган келишувга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётганларга эътиборни кучайтириш ҳамда уларга моддий ҳамда маънавий кўмак беришдир. Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган, кўп болали, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга ёрдам тариқасида 2 миллион 600 минг сўм маблағ ажратилди.

— Таълим муассасаларимизда ногирон, кам таъминланган, байналмилалчи жангчилардан бир қанчаси фаолият кўрсатаяпти, — дейди кенгаш раиси Содиқжон Ҳайитов. — Уларнинг умумий сони 258 нафарни ташкил этади. 7 нафар ёлғиз кексаларимиз ҳам кўмакка муҳтож. Келишувларга ўзгартириш киритиб, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, меҳнат қилаётган ходимларни рағбатлантиришга қарор қилдик. Шу билан бирга маънавий-маърифий йўналишда ҳам турли танловлар ўтказишни режалаштирганмиз. Апрел ойида «Энг намунали маънавий-маърифий ишларни ташкил этаётган таълим муассасаси» танлови ўтказилади.

Ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш учун бу йил 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, аъзоларимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини дам олдириш, уларга имтиёзли йўлланмалар ажратиш, фарзандларини соғломлаштириш кўзда тутилган. Жумладан, 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 14 нафар байналмилалчи жангчилар ва уруш фахрийларига моддий ёрдам берилди. Яна 26 нафар кам таъминланган оилаларга 300 минг сўм маблағ тарқатилди.

Туман тармоқ касаба уюшма кенгаши дастурида жисмоний тарбия ва спорт ишларига катта эътибор берилган. Яқинда ХТБ ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ходимлари ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди. Мини футбол ва волейбол турлари бўйича ўтган баҳслар ғоят қизиқарли тус олди.

**А.МАМАЖОНОВ**

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида

## КОРХОНАНИНГ ИККИНЧИ БАҲОРИ

***«Чинозйўлиндустрия» ишлаб чиқариш корхонаси 2000 йилнинг бошларида қолоқликка юз тутганди. Янги раҳбар тайинлангач, муз жойидан кўчди. Бахтиёр Равшанов жамоа билан ривожланиш йўлларини биргаликда излади.***

Корхонани оёққа турғизишдаги машаққатли меҳнат самараси тез орада сезила бошлади. Буни маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ҳам билса бўлади. Масалан, 2004 йилда 403 миллион 328 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 3 миллиард 214 миллион сўмдан ошиб кетди.

— Ишдаги ўсиш, албатта, ўз-ўзидан бўлмаяпти, — дейди корхона бош муҳандиси Каримжон Ўтаев. — Айни вақтда биз асфалт, йўлсозлар учун темир-бетон маҳсулотлари ҳамда норуда материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Шу билан бирга касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда илғор ходимлар рағбатлантирилмоқда. Чунки азал-азалдан маълумки, меҳнатига яраша ҳақ олган, кўрсатилаётган эътиборни ҳис этган одам руҳан тетиклашиб, шижоат билан ишлайди. Натижада иш унуми ортади.

«Чинозйўлиндустрия» тасарруфидаги темир-бетон заводидаги қайноқ ҳаётга дуч келдик.

— 35 йилдан бери шу ерда ишлайман, — дейди завод раҳбари Ҳабибулла Хурраматов. — Айни вақтда жамоамизда 66 нафар киши меҳнат қилмоқда. Буюртмаларни ўз вақтида тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беряпмиз. Ютуғимиз сабаби шундаки, ҳар бир ходим ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати учун бирдек қайғуради. Тўғри-да, буюртмачи фалон пул тўласа-ю, шунга яраша маҳсулот олмаса, ҳамкорлик қилиб бўладими? Ахир, уларнинг ишончини оқлаш корхона тараққиётининг кафолати эмасми? Бозор иқтисодиёти шароитининг ҳам ўз қонуниятлари бор. Шунга биноан иш тутган киши асло янглишмайди.

Асфалт заводида ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин кетаяпти. Цех бошлиғи Нурмамат Мелиев етакчилигида ўтган йили Германиядан келтирилган «Амман» агрегатида профилактик ишлари олиб борилаётган экан.

— Мавсумга пухта тайёргарлик ишлаб чиқаришдаги муваффақиятни белгилайди, — дейди у. —Янги машиналар ўрнатганимиз ниҳоятда қўл келмоқда. Унда бор-йўғи уч кишининг меҳнати эвазига бир қанча ишни уддалаш мумкин. Иш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган.

Бахтиёр Равшановга турли масалада мурожаат қилувчилар бир талай. Бугун касаба уюшма қўмитаси раиси Мухтасар Алматова ҳам қандайдир юмуш билан раҳбарга учрашди.

(Давоми 2-бетда)

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

## ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

***Давлатимиз тараққий этмоқда. Йил сайин барча соҳаларда юксалиш кузатилмоқда. Бу касаба уюшмалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Аниқроғи, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш тақозо этилади.***

Кўпчилик ходимлар ҳуқуқлари поймол қилинган шароитда биринчи галда касаба уюшмаларига мурожаат қилишни афзал билишади. Зеро, эндиликда меҳнаткашлар касаба уюшмасини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, моддий ва маънавий қўллаб-қувватловчи ташкилот сифатида билади ва унга тўла суянади.

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси замон талабига монанд ўз фаолиятини такомиллаштириб бормоқда.

Бирлашма, вилоят ҳокимлиги ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган келишув касаба уюшма аъзоларига кўплаб янги имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, вакилликлар, бошқармалар, бирлашмалар билан тузилган 24 та вилоят, 31 та ҳудудий тармоқ келишувлар меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Агарда 2005 йилда вилоят бўйича жамоа шартномалари орқали турли имтиёзларга 23 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, 2006 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ҳимояга 14,5 миллиард сўм ажратилиб, ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 40 минг сўмдан тўғри келди.

Вилоят туман, шаҳар, бошланғич ташкилотлар томонидан 2006 йилнинг 1 октябр ҳолатига иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйган корхона раҳбарларига 54 та тақдимномалар киритилди. Натижада 228 миллион 448 минг сўм иш ҳақи ходимларга ундириб берилди.

Ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ўтган йили 1900дан зиёд аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди, уч ёшга тўлмаган боласи бор 600дан зиёд оналарга корхоналар ва касаба уюшмалари ҳисобидан 32 миллион 100 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. 48та ногирон боласи бор оилаларга 750 минг сўмлик хайрия ёрдамлари уюштирилди. 24 та янги оила қурган ёшларга 670 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Ишга жойлаштирилган 34 минг 276 кишининг 14 минг 376 нафари аёллардир. Шунингдек, вилоят корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларни соғломлаштириш мақсадида республика миқёсидаги санаторийларга 1045 дона, вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган санаторий-профилакторийларга 621 дона имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Хонқа, Шовот туманларида алоқа, давлат муассасалари вилоят вакиллиги тасарруфидаги ташкилотларда ишлаётган аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш борасида касаба уюшма ташкилотлари ва иш берувчилар олиб бораётган ишлар ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида «Олий, ўрта махсус таълим муассасалари тасарруфидаги ётоқхоналарда яшовчи талаба ва ўқувчиларга ижтимоий-маиший шароитларни яратиб бериш, бўш вақтларини сермазмун ўтказиш борасида маъмурият ва касаба уюшма органларининг биргаликдаги фаолияти тўғрисида»ги масала кўриб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўқув юрти маъмуриятига, касаба уюшма ташкилотларига тегишли тавсиялар, кўрсатмалар берилди.

Касаба уюшмаларига фуқароларнинг мурожаатлари сони ошиб бормоқда. Бу ғамхўрлигимиз, хатларга бепарво эмаслигимиз оқибати, албатта.

Ҳар бир фуқаронинг мурожаат ва илтимоси жойларга чиқиб чуқур ўрганилиб, муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўтган йили ходимларимиз томонидан 33 та ариза жойларга чиқиб ўрганилди ва барчаси белгиланган муддатларда кўриб чиқилди. Бундан ташқари, 442 оғзаки мурожаат кўриб чиқилди ва 475 фуқаро қабул қилинди.

Келаётган аризаларнинг аксарият қисми иш берувчилар томонидан меҳнат қонунлари қўпол равишда бузилиши тўғрисида эканлиги кишини ўйга солади.

Масалан, «Жанубгазқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 5-сон қурилиш-монтаж корхонасида ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси бўлиб ишлаган Комилжон Зарипов иккита ташкилот қўшилиши натижасида лавозими қисқартирилиб, ишдан бўшатилган. Аммо ҳисоб-китоб пулини ололмаган. Бизнинг аралашувимиздан кейин К. Зариповга 210 минг сўм миқдоридаги иш ҳақи ундириб берилди.

Гурлан туманидаги «Мурувват текс» ташкилотида ишчи бўлиб ишлаган М.Матёқубовнинг меҳнат ҳуқуқи поймол этилиб, ноҳақ ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги шикоят хати меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими томонидан ўрганилди. Унга 2006 йил 3 августдан 16 августгача меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилиб, туман марказий шифохонасида даволанган. 2006 йил 7 августида ишга келмаганлиги важидан ишдан бўшатилган ва меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик учун ҳақ ҳам берилмаган. М. Матёқубов ишга қайта тикланиб, меҳнатга лаёқатсизлик варақасида бўлган вақти учун иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Урганч шаҳридаги 3-шифоатхона ҳамшираси С. Хўжаева, Гурлан туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ишчиси Д. Собировалар ҳам касаба уюшмалари аралашувидан кейин ўз ишларига қайта тикландилар.

Хоразм электр тармоқлари корхонаси ходими Ш. Кушчанова ва Шовот туман газ корхонаси ходими Х.Атажоновалар бирлашма ҳуқуқшуноси тақдимномасига асосан ўз лавозимига қайта тикландилар.

Фақат бу эмас. М.Машариповга Хоразм кўмир корхонасидан 5 миллион 54 минг сўм, Р.Султоновга Бекобод ғишт заводидан 1 миллион сўм, Б. Вапаева ва Р.Жуманиязоваларга Урганч КМЗ АЖдан 1,5 миллион сўм, Р. Атамуродовга СУ-65 корхонасидан 1 миллион 630 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Янгиариқ туман пахта тозалаш заводи ишчиси Саиднназар Нурметов 1971 йилда бахтсиз ҳодиса туфайли III гуруҳ ногиронлигига чиқиб, меҳнат қобилиятини 75 фоизга йўқотган. 1994 йил феврал ойидан 2006 йил сентябр ойигача бўлган даврда меҳнат вазифасини бажариш вақтида шикастланганлиги сабабли етказилган зарар учун пул тўлаш пахта тозалаш заводи томонидан тўхтатилган. Касаба уюшмаси аралашувидан сўнг С. Нурметовга корхона томонидан тўланиши лозим бўлган 451035 сўм ундириб берилди ва 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб 11140 сўм тўлаб бориш кераклиги тўғрисида корхона маъмуриятига кўрсатма берилди.

Бу каби ариза ва шикоятлар меҳнат қонунларига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича янада кўпроқ ишлашни тақозо қилмоқда.

Шу боис касаба уюшма ходимлари ва фаоллари билимларини ошириш, айниқса, ҳуқуқий маданиятини кучайтириш учун ҳар бир туман ва шаҳарда ўқув-семинарлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

**Одамбой БОЛТАЕВ,**
**Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари**

## ПОЙТАХТ ШИФОКОРЛАРИ МАРҒИЛОНДА

Пойтахтлик бир гуруҳ шифокорлар Марғилон шаҳри аҳолисига беғараз тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида хизмат сафари билан водийга ташриф буюришди.

Улар сафида Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош дерматовенерологи, тиббиёт фанлари доктори Комилжон Йўлдошев, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази кардиологи Мажид Кенжаев, шу марказ педиатри Зумрадхон Бобожонова, республика диагностика маркази бўлим мудири, олий тоифали гастроэнтронолог Музаффар Раҳимов, илмий-тадқиқот институтининг акушер-гинекологларидан А. Абдураҳмонов, Мунира Тожихўжаева ва бошқа мутахассислар бор. Шифокорлар шаҳардаги 2-оилавий поликлиникада беморлар учун тери-таносил, юрак-қон томир, педиатрия, гинекология бўйича қабул ўтказдилар.

Маҳаллаларда аҳоли билан савол-жавоб кечалари, учрашувлар уюштирилди. Шундай учрашувлар Янгибоғ, Надирмат маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди. Комилжон Йўлдошев тери-таносил касалликлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида маъруза қилди ва берилган саволларга батафсил жавоб берди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**Марғилон шаҳри**

## Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида

# КОРХОНАНИНГ ИККИНЧИ БАҲОРИ

(Боши 1-бетда)

— Акмал аканинг аҳволи анча оғир. Юраги яна безовта қилаётганмиш. Даволанмаса бўлмайди. Касалхонага ётқизсак дегандим. Нархи қиммат. Акмал ака эса жўжабирдай жон.

Бахтиёр Равшанов унинг куйинчаклигига яна бир карра тан берди.

— Майли, ёрдам берамиз, — деди раҳбар. — Акмал Парпиев корхона ҳисобидан даволанади. Сиз бугуноқ унинг уйига бориб, оила-аъзоларини тинчлантиринг. Шунча йил ишлаган кишини ёмон кунида ташлаб қўйсак, инсофдан бўлмас.

Мухтасарнинг кўнгли ёришди. Мурожаати ижобий ечим топганидан худди ўзининг иши битгандек суюнди.

Ўртача ойлик иш ҳақининг йил сайин кўтарилиб борилиши фаолиятнинг юқори даражада эканлигидан далолат. Масалан, 2005 йилда бу рақам ўрта ҳисобда 100 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили 115 минг сўмга етди.

Шу билан бирга кам таъминланган ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамларида дастурхон ёзилиб, турли концертлар уюштириляпти. Режага кўра, байрамлар арафасида камхарж оилалар, ўзгалар қаровига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма ташкилоти ҳисобидан маблағ ажратилган. Жамоа шартномасида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат таътилига чиқаётган ишчи ёки хизматчи соғлиғини тиклаб, яхши ҳордиқ чиқариши учун бир ойлик иш ҳақи миқдорида, бетоб бўлиб қолганда, нафақага чиқиши муносабати билан эса энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Ҳомийлик ёрдамини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Шаҳар атрофини ободонлаштириш ва Чиноз касб-ҳунар коллежи қурилиши учун зарур ашёлар беминнат етказиб берилди. 14-сонли мактабгача таълим муассасасига таъмирлаш ишларида ёрдам кўрсатилди. Тумандаги «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оила соғин сигирлик бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Кўп йиллар илгари бу корхонанинг довруғи узоқ-узоқларга кетганди. Айни кундаги жўшқин фаолият туфайли корхона иккинчи баҳорни бошидан ўтказмоқда.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Кўклам ташвишлари

# ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИГА ШАЙ



***Ўлкамизга баҳор кириб келди. Эл ризқини яратишга бел боғлаган деҳқону механизаторларнинг ташвишлари кўпайди. Уларнинг бугунги асосий мақсади экин экиладиган майдонларни ўз вақтида сифатли тайёрлаш, уруғни агротехника муддатларида экиш, техниканинг бенуқсон ишлашини ва мавсум иштирокчиларига ғамхўрликни ҳар қачонгидан кучайтиришга қаратилган. Бу борада Бухоро вилоятининг «Жондор машина-трактор парки» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга моликдир.***

— Туманимиз пахта етиштириш салмоғи жиҳатидан вилоятда етакчи ўринни эгаллайди, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Усмон Бақоев. — Давр масъулиятини тўғри тушунган ҳолда қишлоқ хўжалик техникалари таъмирини муддатидан илгари амалга оширдик. Ишчи комиссияси бажарилган юмушларни юқори баҳолади. Ижобий натижаларга эришишнинг асосий сабаби меҳнат аҳлига қулай шарт-шароитлар яратилганлигидир. Таъмирловчилар махсус кийим-бош билан таъминланди. Уларга иссиқ овқат ташкил этилди. Ойлик маошлар вақтида тўланиб, илғорликка эришганлар рағбатлантириб борилди.

Пировардида 11 та «Магнум», 1 та «МХ-135», 2 та транспорт тракторлари ва бошқа машина-механизмлар, омоч, чизел борона, мола, ер текислагичлар фермерлар хизматига шайлаб қўйилди. Бундан ташқари, корхонада тумандаги 14 та муқобил МТП билан ҳам ҳамкорлик шартномаси тузилган. Шу асосда уларнинг айрим техникалари, шунингдек, баъзи фермер хўжаликлари ихтиёридаги тракторларни таъмирлашга ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, корхона ҳузурида фаолият кўрсатаётган барча турдаги қишлоқ хўжалик техникаларининг ёнилғи насосларини таъмирлаш цехи усталари ялпи даромад салмоғини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаяптилар.

— Бултур барча иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиб, йилни 12,6 миллион сўм соф фойда билан якунладик, — суҳбатни давом эттирди жамият раиси Муҳаммад Худойбердиев. — Бу маблағни меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясига сарфламоқчимиз. Янги йилда 457 та фермер хўжалигига 313 миллион сўмлик техника хизмати кўрсатиш учун шартнома тузганмиз. Манфаатдорлиги ошаётган жамоа бу вазифани ҳам бажаришга қодирлигига ишонаман.



**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратларда: ёнилғи насосларни таъмирлаш устаси Орзу Султонов касб сирларини ёш мутахассис Руслан Чориевга ўргатмоқда; таъмирловчи Баҳодир Мустафоев шогирди Файзулло Исматов билан мавсумга шайлаб қўйилган бороналарни яна бир марта кўздан кечирмоқда.**

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

***Умр оқар дарё экан. Олтмишинчи баҳорни қаршилаётган Абдуҳамид ака сўлим боғ ўртасига қўйилган сўрига ёнбошлаганича ўйга толди. Хаёллар уни олис-олисларга — болалик, ўсмирлик йилларига етаклади. Кимсан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Абдуқодир Алиқуловдек машҳур раиснинг ўн нафар фарзандлари орасида наҳотки биронтаси ота касбини эгаллаб, деҳқончилик билан шуғулланмаса. Қизлар-ку ўз йўлига. Акалари ҳам қишлоқ хўжалигидан йироқ соҳаларни танлашди.***

# ОТА ЎҒИЛ

Ўнинчини битириб Тошкент политехника институтига ҳужжат топширди. Бу ердан муҳандис-техник мутахассислигини эгаллаб, қишлоққа қайтди. Сўнг отаси раислик қилган хўжаликда инженер бўлиб иш бошлади. Тумандагина эмас, республикада ҳам ҳар томонлама донг таратган катта хўжаликда деҳқончилик борасида кўзи пишди, тажриба орттирди. Ўша йиллар Марказий Фарғона ҳудудига кирувчи Аччиққўл массиви қамишзору ғумайзор бўлиб, шўр кўллардан иборат эди. Одам боласи ўтишга қўрқадиган бу макон яқин келажакда боғу роғларга, унумдор ерларга айланади, деса биров ишонмасди.

Ана шу ерда ҳукумат қарори билан «Янгиқадам» давлат хўжалиги ташкил этилди. Катталар ҳеч иккиланмай, Абдуҳамид Абдуқодировни шу хўжаликка раҳбар этиб тайинлашди.

У ишни пахтачилик ва деҳқончилик илмини пухта ўзлаштирган инсонларни ёнига чорлашдан бошлади. Аввалига кўчма вагонларда яшаб, деҳқончилик қилишди. Машаққатли меҳнат эвазига зўр-базўр ҳосил олинди. Лекин эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган ёш раҳбар одамлар қалбида ўз кучларига бўлган ишончни уйғота билди.

Бу вақтга келиб хўжалик маркази мўъжазгина шаҳарча қиёфасини олди. Лойиҳа асосида қурилган текис ва равон йўллар, маиший хизмат тармоқлари, хўжалик маъмурий биноси, мактаб, боғча, боғлар қад ростлади. Аста-секинлик билан электр, газ ва ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Яқин-яқинларгача Аччиққўл массиви номи билан одамлар юрагига ваҳима солувчи биёбон ўрнида эртакларда айтилганидек боғи эрам қад ростлади. Дастлаб атиги 10 центнердан ҳосил берган ерлардан эндиликда 40-45 центнергача ҳосил олиняпти. Бундай улуғвор ишлар бошида у 26 йил турди. Эндиликда минглаб одамлар яшаб, ҳаёт кечираётган Янгиқадам қишлоғининг тикланиши бевосита шу кишининг номи билан боғлиқ.

Машҳур пахтакорнинг ўғли бўлиб элга танилган Абдуҳамид аканинг раислик даври ҳар доим ҳам осонлик билан кечмади.

Турғунлик йиллари пахта иши, қўшиб ёзиш деганларидек, туҳмат балоси тиғ бўлиб, кўплаб инсонлар азият чекди. Бу — ёш раисни ҳам четлаб ўтмади.

АСМ ходимлари касаба уюшма Бувайда туман кенгашига 16 йил раислик қилган, ҳозирда «Нуронийлар» жамғармаси туман кенгаши раҳбари бўлиб ишлаётган Абдуғаффор Абдужалилов ўша йилларни шундай эслайди.

— 1980 йилларда «Янгиқадам» хўжалигида бўлим бошлиғи бўлиб ишлардим. Ёш раҳбаримиз Абдуҳамид куч-қувватга тўлган, кечани-кеча, кундузни-кундуз демайдиган пайти. Ишни шундай ташкил этган эдики, беҳуда йиғилишлар, кераксиз комиссияларни ишга аралаштирмас эди. Қўл остидаги одамлар ўз вазифаларини чин дилдан бажаришга одатланган, уларнинг кўнглига йўл топишни, вақти келганда мақтаб ёки қаттиққўллик билан ишлатишни биларди раис. Шунинг учун ҳам барча соҳаларда белгиланган режалар ортиғи билан бажарилар, одамлар чўнтаги мўмайгина пул кўрарди.

Узоқ йиллардан буён шу жойдаги касаба уюшмасига раҳбарлик қилиб келаётган Ҳикматилла Болтаев шундай ҳикоя қилади.

— Абдуҳамид ака билан ишлаб кам бўлганим йўқ. Энг муҳими, хўжаликда меҳнат қилаётган барча инсонлар моддий манфаатдорлигини ҳар доим ёдда тутувчи раҳбарлардан. Бир мисол, қийналиб қолган оилалар аниқланиб, умумий мажлис қарори билан қорамол бериш йўлга қўйилганди. Шу тариқа кўплаб ёш оилалар ўзларини тиклаб олишарди.

Шунингдек, ҳомиладор аёлларга 7-ойдан эмас, 5-ойдан бошлаб туғиш таътили бериш, кам таъминланган оила фарзандларини хўжалик ҳисобидан болалар оромгоҳига юбориш, аъзоларни ҳам сиҳатгоҳларда дам олдириш одатий ҳолга айланганди.

Яхшиликни унутмайдиган ажойиб халқимиз бор: бир куни вилоятдан келган раҳбар қишлоқ хўжалик экинлари парваришидаги мавсумий ишлардан камчилик топиб, хўжалик умумий йиғилишини чақириб, раисни ишдан бўшатиш масаласини кун тартибига қўйди. Табиийки, йиғилиш қатнашчиларидан ҳеч ким бу таклифга қўшилмади. Лекин шу йиғилиш қарори сохталаштирилиб, раис ноқонуний равишда ишдан бўшатилди. Касаба уюшма ташкилотининг фикри билан биров қизиқмади ҳам. Лекин барибир қонун устуворлиги таъминланди. Раисимиз ўз ишига қайта тикланди.

— Абдуҳамид Абдуқодиров мақсадга эриша оладиган инсонлардан, — дейди ҳамсуҳбатимиз ўз сўзига якун ясаб.

Олтмиш баҳорни қаршилаётган камсуқум инсон турмуш ўртоғи Манзура опа билан биргаликда бир қиз ва икки ўғилни эл-юрт корига ярайдиган муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашди. Катта ўғли Анваржон фермер, Асроржон эса тадбиркор, қизи Саидахон ўқитувчи. Набиралари эса бир этак.

Эндиликда «Янгиқадам» ширкат хўжалиги фермер хўжалигига айлантирилган: 63 та фермер фаолият кўрсатаяпти.

Абдуҳамид ака ҳам кўплар қатори «Абдуқодир ота» фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Давлатга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотиш қаторида хонадонига қут-барака киритмоқда. Ёрдамга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Қишлоқдаги ҳар бир тўйю тантаналар, маъракалар бошида Абдуҳамид ака туради. Қишлоқ аҳли уни ҳамон «раис ота» дея ҳурматини жойига қўйишади. Ҳар ишда ундан маслаҳат сўрашади. Отахон ҳам кўп йиллик тажрибасига суянган ҳолда ёшлардан маслаҳатини аямайди.

**Абдувоҳид ҚОДИРОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшмаси Бувайда туман кенгаши раиси**

## Акс-садо

***Газетанинг шу йил 4 январ сонида берилган «Хавфсиз меҳнат шароити яратайлик» сарлавҳали мақолада долзарб муаммолардан бири — иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш шартлиги ва бу борадаги қонун талаблари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.***

# ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТИ

### қандай яратилади?

Дарҳақиқат, нормал меҳнат шароитлари яратилмаган жойларда ходим хасталаниши, касб касаллигига учраши, жароҳатланиши ва ҳатто ҳалок бўлиши мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг маълумотида айтилишича, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони ер юзида ҳар йили 250 миллионни ташкил этади. Йил сайин иш жойида 2 миллион киши ҳаётдан бевақт кўз юммоқда. Меҳнат фаолияти билан касалланиш натижасида 160 миллионга яқин киши азоб чекмоқда.

Қашқадарё вилояти бўйича меҳнатда тан жароҳати олиб, ҳалок бўлганлар сони ўтган йили 8 кишини, оғир тан жароҳати туфайли ўлганлар сони 19 кишини, шундан Шаҳрисабз тумани бўйича меҳнат жароҳати билан ҳалок бўлганлар сони 2006 йилда 1 киши, оғир тан жароҳати олганлар 2 кишини ташкил этди. Китоб туманида меҳнат жароҳати билан боғлиқ нохуш ҳодисалар қайд этилмаган бўлса-да, юқоридаги маълумотлар ҳар қандай инсон қалбини ларзага солади.

Хўш, жойлардаги бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Қонун талабларига кўра барча корхоналарда хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити яратиш иш берувчининг мажбуриятига киради. У меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувларни ташкил этиш, уларнинг билимларини текшириб туриши шарт. Аввалambор корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича зарур маблағ ажратилади. Уни бошқа мақсадлар учун сарфлаш ман этилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларни ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга, ер ости, тунги, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш, ногиронларни эса тунги вақтдаги, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга тиббий тавсияларда таъқиқланмаган бўлса, фақат уларнинг розиликлари билангина жалб қилиш мумкин. Вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши, уларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун йиллик меҳнат таътиллари бериб борилиши шарт. Ишлаб чиқариш соҳасининг қатор тармоқларида кимёвий, жисмоний ва биологик амаллар таъсирини камайтириш лозим.

Бундан ташқари, иш жойларида ходимнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланиши учун қатор техникавий тадбирларга ҳам амал қилиниши керак. Янги қурилаётган ва қайта қурилаётган иншоотларни ишлаб чиқариш лойиҳасисиз қуришга йўл қўймаслик, иш жойларида инсон ҳаётига хавф солувчи жойларни (машина ва механизмларнинг айланувчи қисмлари, ҳовуз ва ўраларнинг чети ва усти, электр қисмлар ва ҳ.к) ҳимоя тўсиқлари билан беркитиш, хавфсизликнинг барча чораларини кўриб бориш лозим.

Айтиб ўтилган тадбирларнинг бажарилишига масъул иш берувчилар хавфсизлик қоидаларини тўлиқ ўрганишлари, қолаверса, жойлардаги Давлат меҳнат техника инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари даркор. Бу масала учун сарфланган маблағ албатта, ўзини оқлайди.

**И.НИГМАТОВ,**
**Китоб туман меҳнат бўлими бошлиғи,**
**Х.ТОШЕВ,**
**Китоб ва Шаҳрисабз туманлари бўйича Давлат меҳнат техника инспектори**

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# ҲАММАСИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА ЁЗИЛГАН

Чортоқ педагогика коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитасининг хизмати катта бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бошланғич касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик танлови совриндори. Шунинг ўзиёқ кишида қизиқиш уйғотади. Бу ҳақда қўмита раиси Одилжон Хўжаев шундай дейди:

— Коллежимиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўқитувчи ҳамда ўқувчиларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни муттасил кучайтириш чораларини кўрмоқда.

Аввало, ўқувчиларга яратиб берилган шарт-шароит ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда коллежимизда 1543 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Бинолар замонавий талаблар асосида қурилган бўлиб, спорт зали, мини футбол, баскетбол, қўл тўпи, волейбол, гимнастика майдончалари улар ихтиёрида. Шунингдек, 400 ўринли маданият саройи, 200 ўринли ошхона, 2 та буфетимиз бор. Маънавият ва маърифат ҳамда дам олиш, санитария-гигиена, тиббиёт хоналари, 0,02 гектар майдонда иссиқхона, 100 ўринга мўлжалланган қироатхона фаолият кўрсатмоқда.

Коллеж маъмурияти билан жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда акс этганидек, ўтган йил давомида бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан коллеж ходимларига ва оила аъзоларига 3 миллион 500 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, яна шунча миқдорда мукофот пули берилди. Маданий-оммавий тадбирлар учун 1 миллион 600 минг сўм, спорт мусобақалари ўтказиш учун 800 минг сўм, спорт жиҳозлари сотиб олиш мақсадларига 1 миллион 800 минг сўм маблағ сарфланди. Натижада коллежда ишлаётган ҳар бир ходимнинг кўрган манфаатдорлиги 42 минг сўмни ташкил этди. Маданий-оммавий, спорт ва бошқа тадбирлар ўз вақтида ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним — маним» кўрик-танловида коллежнинг «Наво» гуруҳи қўшиқчилик, созандалик, хореография, шунингдек, театр ва адабиёт соҳасида туманда биринчи ўринни, вилоят босқичида эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиби қоидаларида 18 ёшгача бўлган ходимлар учун иш вақти ҳафтасига 32 соат, лаборант ва фаррошлар учун 35 соат, 4 ёшгача фарзанди бор аёлларга 38 соат қилиб белгиланган бўлиб, байрам арафаларида 2 соатгача қисқартирмалар қўшимча сифатида киритилган. Энг кам йиллик таътил 18 кун этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ иш шароитларини яхшилаш масаласи ҳам жамоа шартномасидан ўрин олган. Ўтган йилдан махсус кийим-бош, оёқ кийимлари учун маъмурият ҳисобидан 820 минг сўм маблағ сарфланди. Жамоа шартномасининг 3-, 6-бандларига мувофиқ «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси» бурчаги ташкил этилди. Коллеж биносининг кириш қисмида навбатчилик текширув хонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласи ҳам эътиборда. Чунончи, 2006 йилда 5 нафар ходимга сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилиб, кам таъминланган оила фарзандларидан 24 нафари оромгоҳларда дам олдирилди. Ота-онасидан айрилган 8 нафар ўқувчи тўлиқ давлат таъминотига ўтказилди. 80 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул тушлик ташкил қилинган.

Иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўқувчилардан Муҳаммад Йулдошев кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Ҳулкар Сулаймонова Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритди ва бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олмоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «Ишонч» фош этади

***Қўшроботда оз эмас, нақд беш минг метр электр сими ўғирланди. Ҳудуддаги Оқтепа, Навкат, Пангат, Қоратош маҳаллалари йўналишидаги симёғочларни тунаб кетишди. Юқори кучланишдаги симга ким кўз олайтирди? Ўт билан ўйнашаётганлар аслида ким?***

# ЎҒРИ КИМ?

Қаерда лоқайдлик ҳукм сурса, ўша жойда иллат болалайди. Қўшроботдаги ҳолат ҳам масъулиятсизлик меваси. Юз берган жиноятга электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари айбдор эмасмикан? Негаки мазкур ташкилот муттасил тарзда истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини суиистеъмол қилишга одатланиб қолган.

Шу йилнинг январ ойида корхона томонидан айрим қишлоқларга, хусусан Қоратош, Ўрозмат, Қовунчи маҳаллаларига бир сутка мобайнида атиги 3-4 соат ток узатилди. Бу ҳолат қинғир, нопок кимсалар қўлтиғига сув пуркаш билан баробар бўлди. Оқибатда ток йўқлигидан фойдаланиб, симёғочларни яланғочлаш авж олди. Ахир, чайқов бозорида [illegible]00-600 сўмни ташкил этаётган бир метрли алюмин симга харидор кўп-да. Аввалига, биз ҳам ток узатилмаётган ҳудудларда қарздорлик болалаб кетгандир, дея ўйлагандик. Аммо мавжуд вазият билан яқинроқ танишгач, истеъмолчиларнинг азият чекаётганлигини англадик.

Қоратош маҳалласида юзга яқин хонадонни кўздан кечириб, фуқаролар билан мулоқотда бўлдик. Хонадонлардан 75 фоизининг электр энергиясидан қарзи йўқ. Кузатилган юз хонадоннинг элликдан ошиғини ўта интизомли истеъмолчилар сафига қўшиш мумкин. Аксарият фуқаролар электр энергияси учун олдиндан пул тўлаб келмоқда. Масалан, фуқаро Қушбек Турсунов икки минг киловат, Ҳасан Эгамов, Аслиддин Фахриддинов минг, Тинчлик Худойбердиев, Илҳом Рустамов беш юз киловат электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга оширган. Юз хонадоннинг тенг ярми олдиндан пул тўлаб келаркан. Тўғри, қарздорлик ҳам мавжуд. Ўн хонадонда фойдаланган электр энергияси учун ҳақ тўлашда оқсаш бор. Улар иқтисодий ночорлиги боис тўловни вақтида амалга ошира олмаганини тан олишди. Ҳудуддаги электр энергияси истеъмолчиларининг тўқсон фоизи аниқ ҳисоб-китобга эга.

— Муттасил равишда электр энергияси учун аввалдан тўловни амалга ошириб келганман, — дейди 52-мактаб ўқитувчиси Ҳамидулла Эгамов. — Биз-ку қонун-қоидага риоя қиламиз. Аммо электр тармоқлари корхонаси кейинги 5-6 йилдан буён бизни қийнаб келади. Ҳар доим 3-5 соат атрофида ток беради, хуши келмаган кунлари бир ёқиб ўчириб қўяди. Ким тўй қилса, ўша куни ток бор.

Ушбу ҳолатни 2-Қўшробот участкаси мутасаддиларидан изоҳлаб беришни сўрадик. Катта уста Акром Мўминовнинг эътирофича, тармоқда жуда катта миқдордаги электр энергияси йўқолиб кетаётганмиш, ҳар ойда ўн минг киловатт электр энергияси беиз йўқолармиш. Шунинг учун токни тежаш мақсадида тармоқдан узиб қўйиларкан. Ток ўғрилари ким бўлди экан? Бу масалага ҳам қисман ойдинлик киритишга жазм этдик.

Юқоридаги юз хонадонга яна юзланамиз. 63 оилада 3 та, 10 оилада 4 та, 23 оилада эса 2 та электр ёритгичдан фойдаланаркан. Юз хонадоннинг атиги 2 тасида музлаткич мавжуд. Бор йўғи 24 хонадон электр дазмолдан фойдаланаркан. 43 хонадон дазмол ишлатмаслигини тан олди. 61 хонадонда Хитойда ишлаб чиқарилган 12 вольтлик «Жинлипи» телевизори мавжуд. Хонадонларда электр токини ўмарадиган асбоб ва жиҳозларни учратмадик. Бунга ҳам фуқароларнинг ўзлари жавоб бериб қўя қолишди.

Тармоққа 2-3 фаза билан ноқонуний уланиб олган тегирмонларнинг зилдай тишлари қанчадан-қанча қувватни ямламай ютаётган экан. Наҳотки бундан ТЭТ мутасаддилари бехабар бўлса? Ҳудуддаги элликдан ошиқ тегирмонда электр ҳисоблагичлар йўқ. Масалан, Чиноқ қишлоғида 14 та тегирмон бор. Хўш, улар рисоладаги шартномага эгами? Қовунчи, Ўрозмат, Қоратош маҳаллаларида ҳам худди шундай аҳвол. Мана электр энергияси қаёққа кетаяпти. Оқибатда интизомли истеъмолчилар азият чекаяпти. Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси, деганлари шу бўлса керак.

Истеъмолчи манфаати муқаддас. Уларнинг қонун билан ҳимояланган ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишни асло кечириб бўлмайди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Орамиздаги одамлар

# САХОВАТПЕША

Боёвут туманида Худойқул ҳожи Раҳмонбердиев отлиқ саховатли инсон яшайди. У бундан икки йил муқаддам ўз шахсий маблағи эвазига Боёвут разъезди қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик пункти қуриб берган эди. Ўшанда нуронийлар бу қўли очиқ инсонни алқаб, дуо қилганди. Яқинда ҳожи бобо яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўзи қурдирган қишлоқ шифохонасига янги «Дамас» русумли автомашинани ҳадя этди. Биқинига «Нилуфар» ҚВПга совға» деб ёзилган бу автомашинани Ҳожи бобо қарсаклар остида эгаларига топширди. Ҳожи ота меҳнати ортидан келган даромадини фақат хайрли ишларга сарфлашга одатланган. Кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонлар, бева-бечора, етим-есирлардан ҳимматини дариғ тутмайди.

— Мен бундай савобли ишларни довруғ қозониш учун қилаётганим йўқ, — дейди саховат соҳиби. — Имкон борича эл-юрт корига ярасам.

Сирдарёда бундай инсонлар жуда кўп. Вилоят марказида «Ибн Сино» номидаги дам олиш ва истироҳат боғи барпо этилди. Бу майдон яқин-яқингача қаровсиз, ташландиқ ҳолда эди. Гулистон шаҳрида яшовчи Отабек Темиров, Абдулҳай Ҳайдаров, Абдушукур Равшанов, Низом Ризаев каби тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бир-биридан чиройли, замонавий бинолар қад ростлади. Яна бир тадбиркор Маъруф Мансуров қамиш босиб, ботқоқзорга айланган жойни обод қилиб, савдо мажмуасини бунёд этди. Бу маскан ҳозирги кунда энг обод гўшага айланган. Қўли очиқ, саховатли тадбиркор Тўрабек Ҳайдаров шаҳарнинг 5-мавзеси ҳудудида болалар спорт майдончасини ўз ҳисобидан қуриб бериб, кўпчиликнинг дуосини олди. Саховатпеша инсонлар бор бўлсин. Чунки уларнинг борлиги халқимизнинг бахти.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

# ЁШЛАР ҲУНАР ЭГАЛЛАМОҚДА





Ургут ҳунармандчилиги азалдан машҳур. Бугунги кунда бу ерда каштачилик, попопчилик, зардўзлик, сандиқсозлик, темирчилик, пичоқсозлик каби миллий ҳунармандчилик турлари давом этиб келмоқда.

Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида ана шу соҳаларга кўнгил қўйган ёшлар таълим-тарбия олиб, турли касб-ҳунар сирларини ўрганаётир. Ўтган йили бу ерга Япониядан келтирилган ёғочни қайта ишлайдиган турли ускуналар ўрнатилди. Бу эса ўқувчиларнинг касб маҳоратини оширишда қўл келмоқда.

**Суратларда: бўлғуси рассом Гулчеҳра Қурбонова; коллеж талабаси Розиқ Жуманов ва ёғоч ўймакори устаси Убайдулла Сатторов.**

**Т. НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## Ўқиганмисиз, эшитганмисиз?

# МАШЪАЛДОН

***Сув манбаи хоҳ у табиий (булоқ), хоҳ у сунъий (қудуқ) бўлсин, ташқи таъсирдан махсус иншоотлар орқали ҳимоя қилинади. Жумладан, қуёш нуридан, шамол келтирувчи унсурлар — қум кўчиши, жониворлар содир этувчи ҳаракатлардан муҳофазалаш ҳаётий заруратдир.***

***Адабиётларда сув манбаларини ҳимоя қилувчи иншоотлар хусусида кўплаб маълумотлар мавжуд. Халифа Маҳдий даврида Маккаи мукаррамадаги муқаддас Зам-зам қудуғи учун махсус ҳужра қилинган.***

Зиёратчилар сони оша борган сари уни ҳимоя қилиш эҳтиёжи ҳам кучайган. Абу Жаъфар амирлик қилган даврларда биринчи бўлиб Зам-зам атрофига мармар ётқизилиб, қудуқнинг тепасига дарчалар ўрнатилганди. Ундан олдинроқ Абдуллоҳнинг ўғли Сулаймон фақат сувни тортиб олувчи кишинингина устига офтобдан пана бўлсин учун соябон қурдирган. XI асрга келиб эса бу ерда муҳташам иншоот пайдо бўлади. Қудуқ атрофи икки ярим арш баландликдаги оқ мармар иҳота билан ўраб олинади. Иҳотанинг тўрт тарафида ҳовузлар бўлиб, уларга сув қуйилиб, одамлар таҳорат учун шу ҳовузлардан сув олишади. Тўкилган сув пастга оқиб кетиши учун қудуқ ва иҳота оралиғига бўйра тўшалган. Зам-зам иҳотаси қаршисида яна бир мураббa шаклидаги гумбазли бино (таъкид бизники - А.Н.) бўлиб, уни "Сиқоятулҳожи" - ҳожилар сув ичадиган идиш, жой, деб аташади. Бу ердаги сув тўлдирилган хумлардан ҳожилар сув ичишади. Бу қулайликларнинг барчаси сув манбаини ташқи таъсирдан ҳимоялаш мақсадида қилинганлиги аниқ. Агар мана шундай тадбир қўлланилмаса, ҳаж даврида муқаддас зиёратгоҳга инсон таъсири кучаяр эди.

Иброҳим алайҳиссалом (тахминан 4000 йил бурун) давридан буён Зам-зам қудуғининг турли сабабларга кўра бир неча бор кўмилиб, янгидан очилганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор. Шундай нохуш ҳолларнинг олди олиниб, махсус иншоотлар қурилган ва уларда хизмат қилувчи кишилар тайинланган.

Махсус муҳофаза қурилмаси ҳақидаги фикрларни муқаддас Зам-зам қудуғи мисолида асослар эканмиз, бу узоқ араб ўлкаларигагина эмас, Ўзбекистон каби минтақаларга ҳам хос эканлигини таъкидлаш лозим. Шулардан бири машъалдонлардир.

Ҳисор, Зарафшон, Туркистон, Нурота тизмаларида яшовчи аҳоли тилида шундай атама қўлланилади. Лекин Д. Нозилов тадқиқотидан бошқа илмий адабиётларда у қайд этилмаган. Шу боисдан этимологик мазмуни хусусида фақат айрим тахминларни айтиш мумкин.

Шом вилоятидаги Тараблис шаҳри яқинидаги азизавлиёлар қабри атрофида иморатлар бўлиб, буларда ҳеч ким яшамаган ва уларни "Машҳад" деб аташган. Машҳадларда бўйра гилам, олтин ва кумуш шамдонлар сақланган.

Шомнинг Матлун номли қишлоғида Иброҳим Халил ар-Раҳмон алайҳиссаловоту васаллам қабрлари ва машҳад мавжуд. Машҳад йўнилган тошдан тикланган тўрт девордан иборат. Узунлиги саксон, эни қирқ, баландлиги йигирма арш. Демак, машҳадлар авлиёлар қабрлари атрофида қурилган иморат. Унда ҳеч ким яшамайди. Аммо баъзи буюмлар сақланади. Уларнинг қадимда эшиклари бўлмаган, кейинчалик (тахминан X асрлар — А.Н.) уларга эшиқлар қурилиб, ичкариси жиҳозланган. Машъалдон ҳам машҳадларга ўхшаш, ҳеч ким яшамайдиган иморат. Машҳаднинг вазифаси буюмларни сақлашдан иборат бўлганлиги каби машъалдон сувнинг "кўзи"ни асраш учун хизмат қилган. Шу боисдан "машҳад" сўзи "машҳаддон", кейинчалик «машъалдон»га айланиб кетган бўлиши мумкин.

Аслида машҳад сўзи арабча "эътиқод учун қурбон бўлган жой" мазмунини беради. Эроннинг йирик вилояти (Хуросон) маркази — Машҳад шаҳри ўрнида IX асрда Санабод қишлоғи мавжуд эди. Имом Али ар-Ризо (IX аср) шу ерда ўлдирилгач, эътиқод учун қурбон бўлди, дея Машҳад деб атала бошланди. Шаҳарда Имом Али ар-Ризо мақбараси ва шаҳар чеккасида Абулқосим Фирдавсий (XII аср) қабри мавжуд.

Мана шу топономик атама маъноси ҳам аҳолининг сувга бўлган буюк эътиқодини англатувчи машъалдонларнинг айнан булоқлар устига қурилишидан дарак беради.

Чуст туманида, Сайрам (Қозоғистон)да Машат номли қишлоқлар мавжуд. Топонимик атамалар билимдони, профессор С.Қораевнинг айтишича, "Машат", "Башат", яъни булоқ, сой-сувнинг бошланиши мазмунини беради. Машъалдон ҳам айнан сувнинг бошланишига уни муҳофаза қилиш мақсадида қурилса-да, "Машҳад", "Машот", "Машъалдон" сўзларида ўзаро ички боғлиқлик бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Машъалдонлар республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳамон учраб туради. Ҳисор тоғларининг Нилу, Деҳани Бодом, Карч, Хондиза, Матмон қишлоқларидаги иншоотлар шулар жумласидандир. Матмон қишлоғидаги чашма уч хонали иморат ичига олинган. Булоқ кўзи жойлашган дастлабки хона энига 4 метр, бўйига 3,5 метр, ҳовузчалари бор иккинчи ва учинчи хоналар энига 1,8 метр, бўйига эса 1,7 метрни ташкил этади. Чашма кўзи биринчи хонада жойлашган. Ҳовузча тарзида қурилган бақасифат кўринишдаги иншоот ичига тўпланган сув махсус айирғич орқали ҳовузчали хоналарга новаларда оқиб чиқади. Мана шу хоналарнинг иккаласига ҳам алоҳида кириш эшиклари (дабдаба ва ҳашаматли тарзда, бағдоди русумда ясалган икки табақали ўймакорлик санъати намуналари) қурилган. Улардаги тўрт бурчакли тош ҳовузчаларда тўпланган сув ташқари томон йўналтирилган туйнуклар орқали оқиб чиқиб кетади.

Чашма кўзи жойлашган дастлабки хонанинг эшиги алоҳида тарзда (бу эшик ҳам жуда чиройли композицияда, икки табақали ва устки қисмида гулчин панжара ўрнатилган туйнукли) қурилган бўлиб, унга истаган кишининг кираверишини қишлоқнинг ёзилмаган, аммо барча ёшу кекса бирдек ёд олган "қонуни" орқали қатъиян тақиқланади. Махсус киши ёки обрў-эътиборли шахслар томонидан маълум вақтлардагина кириб булоқ кўзини тозалаш ёки кузатиб туриш мумкин.

Сувга келган кишилар эса иккинчи ва учинчи хоналарга истаганича кириб идишларини (бу ерда сардобадаги каби сув олиш учун махсус челак сақланмайди, чунки иккала ҳовузчадаги сув ҳам муттасил оқиб алмашиниб туради) тўлдириб олишлари мумкин.

Машъалдонлар бизнинг давримизда ҳам қурилмоқда. Қўшработ туманининг Оқмачит қишлоғида 1994 йили савоб учун қурилган машъалдон Оқмачит булоғининг "кўзи"ни турли унсурлардан ҳимоя қилмоқда. У икки хонали бўлиб, дастлабки бўлимга кириш тақиқланади. Сув олиш учун фақат балиқлар ўйнаб юрган ҳашаматли ҳовузга идиш ботириш мумкин. Иккинчи хонанинг эшиги жануб томонга қарата қурилган. Ҳовузча қирғоғидан тошиб чиқаётган сув оқими эса махсус нов орқали шимолий ғарб томонга йўналтирилган.

Машъалдонлар барча ҳудудларда нафақат ҳимоя, балки сувга бўлган юксак эътиқод рамзи сифатида ҳам хизмат қилади. Кўплаб тоғли ҳудудларда машъалдонларга нисбатан соддароқ, фақат чашмани ҳимоя қилиш учун тош палахсалари, қисман ёғочдан териб ясалган ҳимоя воситаларини кўплаб учратамиз. Ушбу иншоотлар ҳам чашма кўзини юқоридан сурилиб тушган қум-тупроқ, умуман ташқи таъсирдан муҳофаза қилиш вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда улар ёш авлодни сув манбаларига ҳурмат-эътибор, уни эъзозлаш учун меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Акс ҳолда уни ясаган маҳаллий уста бировдан махсус топшириқ олмасдан, қанча меҳнат ва вақт ҳисобига уни барпо этмаган бўлар эди.

**Асрор НИЗОМОВ,**
**геология-минералогия фанлари номзоди**

## Ташаббус — 2007

# БАХМАЛСОЙДАН ЧИҚҚАН ТАДБИРКОР

***Бахмалсой қишлоғида яшовчи беш опа-сингил тикувчилик цехи очиб, уй-рўзғор юмушларидан бўшаган вақтларида гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқлар ясаш, ёстиқ жилдлари тикиш каби халқ ҳунармандчилиги билан шуғуллана бошлаганда кўпчиликнинг ҳаваси келган эди. Бу уларнинг энг кенжаси бўлган Манзурага тикувчиликнинг барча сир-синоатларини ўрганиш имкониятини яратди. Оқ кўнгил, серғайрат, истараси иссиқ қиз Ғаллаорол туман «Дўстлик» маҳалласига келин бўлиб тушгач, ўрганганлари асқотди.***

Қайнонасининг сандиғида чала қолган сўзана ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб, худди йўқотган нарсасини топиб олгандай ҳаяжонга тушди. Янглиш хола серфарзанд бўлганидан рўзғор ташвишларидан ортиб сўзанани охирига етказа олмаганди. У келинининг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканлигини пайқаб, буюмдаги кашталарга мос иплар топишда кўмаклашди.

Ёш келин тикаётган сўзанасининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига маҳалладаги ҳавасманд қиз-жувонларнинг келиб, уни кузатишганини пайқамади. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва етти турдаги камалак ранглари матода ўзгача товланади. Қизлар ҳам тезда ишга киришиб кетди. Уларнинг чаққон ва эпчил ҳаракатланаётган нозик бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё эртанги кун орзу ва ўйларини қўшиб тикаётгандек эди. «Манзурага битта сўзана тиктириб олсам, унинг ҳунарини эгалласам» деганларнинг сон-саноғи йўқ эди.



Қўли гул ҳунарманд келин Тошкент шаҳридаги «Машҳура» ўқув марказининг тайёрлов курсларида таҳсил олган эмасми, ҳузурига ҳатто қўшни маҳаллалардаги қиз-жувонлар ҳам келиб турадиган бўлишди. У халқ ҳунармандчилигига иштиёқманд қизларга ўзининг малака ва маҳоратларини ўргатишдан асло эринмади. Лекин ҳовли-жойи улар билан шуғулланиши учун бирмунча ноқулайлик туғдирарди. Кўп ўтмай, икки қаватли замонавий бинога кўчиб ўтишди. Тикув машина ва дастгоҳлари ҳамда хом ашёларни келтиришда бирмунча қийинчиликлар юз берди. Яхшиямки, турмуш ўртоғи Ўролбой бор экан. Манзуранинг ташвишларига шерик бўлиб, оғирини енгил қилди. Цехда бир-биридан бежирим сўзана, дарпарда, бешикжилд, ўринжилд, жойнамоз, келин-куёв либослари каби миллий ҳунармандчилик буюмлари тайёрланиб, шогирдлари ҳам чевар тикувчилар ҳисобига кўпайиб борди.

Бундан уч йил муқаддам «Манзура Ишматова» кичик корхонаси раҳбари устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб, қишлоқларда тикувчилик курслари очди. Шу тариқа ёшлар учун иш ўринларини кўпайтириш ва касб-ҳунар ўргатиш ташаббуси билан чиқди. Эндиликда Гулшан Саримсоқовалар хонадонида гиламчилик, Дилафрўз Ўринбоевалар хонадонида тикувчилик, Нилуфар Мамаражабовалар хонадонида бадиий каштачилик курслари ташкил, уларга юзлаб ёшлар жалб қилинди.

Бир неча ой муқаддам тадбиркор М.Ишматова Тошкентдаги бир неча ўқув марказларида бўлиб, ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашди, энг сўнгги замонавий моделларни қўллаш, хотин-қизлар либосларини тикиш, матолар чиқиндисидан гул ясаш ва дизайнерлик бўйича малака оширди. Шунингдек, «Ямата» фирмасидан шартнома асосида 14 та тикув машинаси, уч хил турдаги аверлок чоклари учун ускуна, ўрганувчилар учун 20 та тикув машинаси олиб келинди. Ҳозирда «Дўстлик» маҳалласидаги юзлаб қиз-жувонлар унга шогирд тушиб, нафис, бежирим, бир-бирини такрорламайдиган кашта, гилам, эркак ва аёллар кийим-кечаклари тайёрлашмоқда.

Тиниб-тинчимас тадбиркор шогирд танлашга алоҳида аҳамият беради. У ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилалар фарзандларининг бошини силаб, касб ўргатиб келаяпти. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида опа кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган, меҳр-мурувватга муҳтож қарияларга 400 минг сўмлик миқдорида ёрдам кўрсатган эди. Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки икки ойида бу кўмак 600 минг сўмни ташкил этди.

Кичик корхона жамоаси бадиий каштачилик, зардўзлик, замонавий бисер усулида тўқиш-тикиш ишлари билан шуғулланиб, маҳсулотлар турини 80 тага, ишчи ўринларини 42 тага етказди. Биргина ўтган йили жамоа ишчилари Ғаллаорол иқтисодиёт коллежи ҳамда газ узатиш корхонаси буюртмаси асосида 3 миллион 200 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар тайёрлаб беришди.

— Режасиз иш — қолипсиз ғишт, — дейди кичик корхона раҳбари. — Элита пардаларининг 50 хилини ишлаб чиқариш, туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда болалар ва аёллар кийим-кечагини ҳамда Дўстлик пахта тозалаш корхонасининг кўплаб буюртмаларини тайёрлашни режалаштирганмиз.

«Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигига» эсдалик нишони соҳибаси Манзура Ишматова ўз маҳсулотлари билан ҳар йили вилоят кўрик-танловларида қатнашиб келади. «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида у «Энг яхши тадбиркор» дея эътироф этилди. Унга биринчи даражали диплом ҳамда 400 минг сўмлик «Nord» маркали музлаткич топширилди. Донгдор тадбиркор кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

Алишер Ибодинов

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

*(Қисса)*

Эрталабки муолажа учун керакли дори-дармонларни кўтариб олган ҳамшира эшикни очиши билан рўпарадаги кроватда ётган беморнинг кўзлари очиқлигини кўриб, сесканиб кетди! Хиёл кўтарилган қовоқлар остидан қоп-қора кўзлар милтиллаб турарди...

— Ассалому алайкум, — дея салом берди ҳамшира қўлидагиларни палатадаги стол устига қўяркан, — яхшимисиз? Ҳайрият, ҳайрият... Мана энди кўп ўтмай, ҳеч нарса бўлмагандек чопқиллаб кетасиз...

Лекин, бемор на жавоб берди, на кўз ишораси билан ҳамширани тушунганлигини билдирди. У яна бироз муддат эшик томонга маъносиз боқиб турдида, кўзларини юмиб олди...

* * *

Тонг саҳарда фарёд солган телефон гўшагини бироз хавотир билан кўтарган Бекмирза Комилжоннинг:

— Бек ака! — дея мембранани ёргудек қаҳқаҳа отишидан кўнгли дарров равшан тортди. Аммо пинагини бузмай:

— Ҳа, намунча... Сўфи мезанага чиқиб улгурмай... Тинчликми? — дея сўради.

— Иш битди, Бек ака! Айланиб келиб, ўша сиз айтган Белорус козхозлари жонга оро кирди. Могилёвдан бир вагон парранда гўшти йўлга чиқди. Украинлардан нархни аллақача арзон қўйишди.

— Хўп, икир-чикирини келганингда гаплашамиз. Мақсадга ўт.

— Шартномаларимиз, бошқа ҳужжатлар ҳаммаси жойида... Фақат божхона... Уларнинг назорат лабораторияси масаласини ҳал қилиб қўйишимиз керак.

— Нима, бирор гап борми?

— Ҳа, энди... Парранда грипи деган ваҳима ҳамманинг бошини қотиряпти-ю... Белоруссияда ҳали бу касаллик қайд этилгани йўқ. Аммо, юк етиб боргунча бирор гап-сўз оралаб қолса, маҳсулотимиз ўзимизда анча туриб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас... Шунга икки-уч кун ичида вагонни ўтказиб юбормасак, иш бироз пайсаллаши мумкин. Биласиз, парранда гўшти нозик, тез бузилади... Шунга вагон етиб бориши билан уни тўхтатмай ўтказиш тадоригини кўриб қўйсак бўлармиди. Жавдот Абдуллаевичга...

— Бўлди! Бас қил, э, оғзинг қурсин... Телефоннинг тилини тилсим қилгин, дея неча марта айтганман! Яхши! Кўришгунча!

Бекмирза гўшакни тарақлатиб жойга ташлади. Кайфияти бузилди. Овозинг ўчгур! Агар синглисининг ўғли бўлмаганида аллақачон тагини супуриб қўйиши шарт эди, бу Комилнинг! Лекин, нима қилсин, жигари.... Жавдот Абдуллаевич тушдан кейин кабинетда бўлишга ваъда берди. Бекмирза тушлик тугаб, ходимлар кабинетларга қайтиб киришга улгурмай, у кишининг қабулхонасида пайдо бўлди. Жавдот Абдуллаевичнинг котибаси — хипчабел, «кабинет хандон» Сорахонга атаб олган «Шанель»нинг энг кейинги нусхаси ҳам чўнтагида....



Бироқ қабулхонада шўх-шодон Сорахон эмас, балки мутлақо бошқа аёл ўтирган эди. Оқишдан келган, катта-катта кўзлари чақнаб турган бу аёлнинг сочлари жиддий усулда турмакланган, ўзи одмигина кийинган... Аёл Бекмирза хонага келиши билан унга қаради.

— Яхшимсииз? — дея негадир бидирлай бошлади Бекмирза. — Жавдот Абдуллаевич билан учрашувимиз белгиланган...

— Бекмирза Асронович, — қўл остидаги қоғозга бир кўз югуртириб олди аёл, — хабарим бор, лекин у киши бироз ушланиб қоладилар. Ҳозиргина қўнғироқ қилишди. Агар ишингиз зарур бўлмаса, бирон соатлардан кейин келишингиз ҳам мумкин.

— Ахир биз... Бирэр гап борми?

— Бошлиқнинг олдига бирров кириб чиқадилар.

Бекмирза котиба аёл рўпарасидаги диванга чўкди. Бу идорадан чиқиб, яна кириб келиш осонми...

— Сорахон кўринмайдилар?

— Сорахоннинг тоблари йўқ. Ўрнига вақтинча ишлаб турибман.

Бекмирза жим қолди. Котиба афтидан нима билан машғул бўлишни ҳам билмасди. Тўғрида, Жавдот Абдуллаевич анча мунча муҳим ҳужжатларни дарров бу аёлга ишонмаслиги табиий. Сорахон ишга чиққунча бу аёл келди-кетдини қайд этиб туришга ярайди, холос.

— Сиз қайси бўлимда ишлардингиз? — дея беш дақиқалардан сўнг орага чўккан ноқулай сукутни бузиб сўради Бекмирза.

— Ишга келганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Лабораторияда гўшт маҳсулотлари таҳлили бўйича шуғулланаман.

Ажабо, худо ишингни ўнгласа тошда уруғ кўкаради, дея бежиз айтмаганлар... Жавдот Абдуллаевич Бекмирзанинг «арзини» тинглагач, бир кулди-да, котибанинг қўнғироғини босди. Зум ўтмай кабинетга кирган ҳалиги аёлга қараб:

— Солиҳа! Мана шу акангиз билан гаплашиб, у кишига ёрдам беринг! — деди.

Солиҳа ялт этиб Бекмирзага қаради, нигоҳлар тўқнашди...

Жавдот Абдуллаевич билан хўшлашиб қабулхонага чиққан Бекмирза ўзига савол назари билан қараб турган аёлга қараб, негадир ўнғайсизланди.

— Кечирасиз, Солиҳахон энди... хизматчилик...

— Бемалол, — деди Солиҳа жойига ўтиракан, — нима гап?

— Шу кунларда республикага кириб келадиган юкимиз бор. Парранда гўшти...

Ўзингизга маълум, парранда гриппи деган ваҳима оралаб юрибди...

Бекмирза аёлга масаланинг моҳиятини тушунтириб берди.

— Яхши, — деди Солиҳа, — қўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

Икковлон бир-бирларига телефон рақамларини беришди. Бекмирза қабулхонадан чиқаётганда чўнтагидаги «Шанель» ёдига тушди ва каловланиб бир зумга тўхтаб қолди. «Йўқ», «Шанель»га учадиган аёл эмас у!» Миясида шу хулоса чақмоқдек ялт этди-ю у юришда давом этди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, тушлик пайти Бемирзанинг қўл телефони жиринглаб қолди.

— Бекмирза ака! — қўнғироқ қилаётган аёлнинг овозини таниб, Бекмирзанинг оёқларидан мажол кетди. Солиҳа!

— Лаббай, Солиҳахон! Эшитаман.

— Юк етиб келди. Бу ёғини ўзим тўғрилайман. Ахир, ҳеч қандай ноқонунийлик йўқ бу ишда. Тушдан кейин идорага бирров кириб ўта оласизми?

— Жоним билан...

Шу куни ишлар кўнгилдагидек якунланди. Парранда гўшти текширувдан ўтказилиб, савдога чиқариб юборилди.

— Солиҳахон! — деди Бекмирза қош қорайган маҳали. — Ёрдамингиз учун катта раҳмат. Кечгача иккаламиз ҳам югуриб-елдик. Сизга минг раҳмат. Агар... Агар имкони бўлса бирор жойда бир пиёла чой устида бафуржа гаплашиб олсак...

**(Давоми бор.)**

Боши ўтган сонларда.

